

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ
БЕРУВЧИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

МАТЯҚУБОВА ЭЛМИРА УМРБЕКОВНА

**ҒЎЗА ГЕНОФОНДИ АСОСИДА *G. BARBADENSE* L. ТУРИГА МАНСУБ
ИСТИҚБОЛЛИ БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАР ЯРАТИШ**

06.01.05-Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Матякубова Элмира Умрбековна

Ғўза генофонди асосида *G.barbadense* L. турига мансуб истиқболли
бошланғич манбалар яратиш5

Матякубова Элмира Умрбековна

Создание перспективных исходных материалов вида *G.barbadense* L.
на основе генофонда хлопчатника.....22

Matyakubova Elmira Umrbekovna

Creating perspective primary breeding materials of the cotton type
G.barbadense L. on the base of gene pool.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....45

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ
БЕРУВЧИ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

МАТЯҚУБОВА ЭЛМИРА УМРБЕКОВНА

**ҒЎЗА ГЕНОФОНДИ АСОСИДА *G. BARBADENSE* L. ТУРИГА МАНСУБ
ИСТИҚБОЛЛИ БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАР ЯРАТИШ**

06.01.05-Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Qx452 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuayaiti.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халикова Малохат Бабамурадовна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, к.и.х.

Расмий оппонентлар:

Бабаев Яшин Аманович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, к.и.х.

Холмуродова Гўзал Рўзиевна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD.05/27.02.2020.QX.42.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «13» август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111218, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар ш., Университет кўчаси, 1-уй, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти мажлислар зали). Тел.: (+99871) 150-61-37, факс (+99871) 150-61-37.

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 1882 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар ш., Университет кўчаси. Тел.: (+99871) 150-61-37, факс (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2021 йил «30» июл да тарқатилди.
(2021 йил « » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

А.Э.Равшанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., к.и.х.

А.Ё.Курбонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д.

А.Б.Амантурдиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қўшидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., к.и.х.



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. «Дунё бўйича пахта етиштирувчи минтақаларда ўрта толали ғўза навлари ишлаб чиқаришнинг 70 фоизини, ингичка толали навлар ҳамда Ҳинди-Хитой ғўзалари 30% фоизини ташкил қилади»¹. Ғўзанинг *G.barbadense* L. турига мансуб ингичка толали навлари тола узунлиги, майинлиги ва пишиқлиги бўйича ажралиб туради. Бундай навлар асосан АҚШда, Хитой, Ҳиндистон, Миср ва Ғарбий Африка давлатларида етиштирилади. Янги генетик манбалар асосида яратилган қимматли хўжалик белгиларига эга бошланғич ашёларни селекция жараёнига жалб этиш орқали ишлаб чиқаришдаги муаммоларни ижобий ҳал қилиш имконини беради.

Дунёнинг пахта етиштирувчи давлатлари олимлари томонидан кейинги йилларда тез суръатлар билан ривожланаётган саноатнинг талабларига тўлиқ жавоб берадиган ғўза навларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Туричи узоқ ва турлараро дурагайлаш усулини қўллаб олинган ғўза шаклларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлигини ўрганиш, танловлар орқали мавжуд навларга нисбатан юқори кўрсаткичларга эга бўлган ғўза навларини яратиш бугунги куннинг зарурияти ҳисобланади.

Республикамизда ингичка толали ғўза навлари ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб экилган ва асримизнинг бошларидан бу навларнинг экин майдонлари кескин қисқариб кетди. Сўнгги йилларда республика ҳукумати қарорларига мувофиқ ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, тола сифати, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги, тезпишарлиги ва ҳосилдорлиги юқори бўлган ингичка толали ғўза навларини яратиш, уларнинг экин майдонларини кенгайтириш, янги ва истиқболли навларнинг уруғларини кўпайтириш ҳамда етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича кўплаб изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги² ПФ-4947-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги “Ингичка толали навларни етиштиришни самарали ташкил қилиш, янги навларни кўпайтириш ва рағбатлантириш механизмини жорий этиш тўғрисида” ги 47-сон қарори³, ҳамда мазкур қарорга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ www.FAO.org

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги “Ингичка толали навларни етиштиришни самарали ташкил қилиш, янги навларни кўпайтириш ва рағбатлантириш механизмини жорий этиш тўғрисида” ги 47-сон қарори

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-мухит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *G.barbadense* L. тури генофондининг хилма-хиллигини ўрганиш, тур ичи ва турлараро дурагайлаш, олинган дурагайлар асосида янги навларни яратиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Бу борада Н.И.Вавилов номидаги Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (Россия), Хитой қишлоқ хўжалиги фанлари академияси (Хитой), Пахтачиликни тадқиқ қилиш марказий институти ва Деҳли Ўсимликларнинг генетик ресурслари бўйича миллий бюроси (Хиндистон), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон) ва бошқа илмий-тадқиқот муассасаларида изланишлар олиб борилмоқда.

Ингичка толали ғўза селекцияси учун бошланғич ашё ва навлар яратиш бўйича маҳаллий селекционерлардан В.Г.Кулебаев, А.И.Автономов, Л.Г.Арутюнова, К.А.Высоцкий, К.Максименко, С.М.Мирахмедов, С.С.Канаш, Н.Г.Симонгулян, Вад.А.Автономов, шунингдек, хориж олимларидан Х.Доборджинидзе, J.N.Jenkins, G.J.Jefferson, А.Е.Holmes, L.I.Decanini ва бошқалар изланишлар олиб боришган. Бунда асосий эътибор ота-она жуфтларини тўғри танлаш, истиқболли дурагайларни, оила ва тизмаларни ажратиш, улар асосида навларни яратишга қаратилган.

Белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги бўйича кейинги вақтларда А.А.Абдуллаев, А.Э.Эгамбердиев, С.М.Ризаева, П.Ш.Ибрагимов, Д.Х.Ахмедов, Вик.А.Автономов, Х.Чориева, М.Б.Халикова, Ф.Р.Абдиев, К.О.Хударганов, Н.Э.Чоршанбиев, Ф.Джаникулов, О.Нарбаевлар ва бошқа олимлар тадқиқот ишларини олиб боришган. Лекин, ингичка толали ғўза навларини яратиш учун янги генетик асосдаги бошланғич ашё яратиш, амалий селекция учун қимматли хўжалик кўрсаткичлари уйғунлашган манбаларни тавсия қилиш бўйича ишлар етарли даражада эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ҚХ-А-8-064 «Ғўза генофондини сақлаш, тиклаш, шунингдек тола сифати халқаро талабларга жавоб берадиган, касаллик ва зараркунандаларга бардошли, юқори ҳосилли, эртапишар намуналарни аниқлаш ва селекцион-генетик изланишларга тавсия қилиш» (2015-2017 йй.), № ҚХ-А-ҚХ-2018-176 «Ғўзанинг жаҳон коллекцияси намуналарини сақлаш, янгилаш, истиқболли янги манбалар билан тўлдириш, қимматли хўжалик белгилари бўйича маълумотлар тўпламини

яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Илмий тадқиқотнинг мақсади ғўзанинг *G.barbadense* L. турига мансуб жаҳон коллекцияси намуналарини ўрганиш натижасида юқори ва барқарор кўрсаткичли ашёларни танлаш, уларни дурагайлаш орқали олинган янги генетик шаклларда белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини тадқиқ қилиш орқали истиқболли бошланғич манбалар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олдинги изланишларда тола сифати ва ҳосилдорлиги юқори баҳоланган *G.barbadense* L. турига мансуб ғўза коллекцияси намуналарини ўрганиш ва статистик баҳолаш орқали энг юқори барқарор кўрсаткичли намуналарни ажратиш;

белгилар бўйича трансгрессив рекомбинантлар олиш мақсадида ажратиб олинган тола сифати ва бошқа қимматли-хўжалик белгилари уйғунлашган шакллар ўртасида реципрок усулида дурагайлаш;

G.barbadense L. турига мансуб ғўза коллекцияси намуналари иштирокида олинган F_1 ва F_2 ўсимликларда қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини аниқлаш;

олдинги тадқиқотларда *G.barbadense* L. турига мансуб навлар ва интрогрессив тизмалар иштирокида олинган F_3 , F_4 дурагайларини селекцион баҳолаш асосида танловлар олиб бориш ва белгиларнинг юқори потенциалли мажмуига эга бўлган оила ва селекцион тизмалар яратиш;

танлаб олинган коллекция намуналари, дурагайлар, оила ва тизмаларни селекцион-генетик баҳолаш ва бошланғич ашё сифатида амалий селекцияга тавсия қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ) қошидаги ғўзанинг жаҳон коллекциясида мавжуд *G.barbadense* L. турига мансуб намуналар, маҳаллий Сурхон-9, Сурхон-14, Сурхон-101, Сурхон-102, Термиз-31, Термиз-202, Иолатань-14 навлари ҳамда *G.barbadense* L. турига мансуб навлар ва интрогрессив тизмалар иштирокида олинган F_3 , F_4 дурагайларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети ғўзанинг *G.barbadense* L. турига мансуб коллекция намуналарининг, шунингдек ҳозирги кунда ишлаб чиқаришда экилаётган маҳаллий навлар билан чатиштириб олинган дурагайлар ҳамда *G.barbadense* L. турига мансуб навлар ва интрогрессив тизмалар иштирокида олинган F_3 , F_4 ўсимликлар, оилалар, тизмаларнинг қимматли хўжалик белгилари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларида умумий селекция ва уруғчилик услублари, Б.А.Доспехов (1985) услуби асосидаги математик таҳлил ва статистика ишлов усуллари, шунингдек, умум қабул қилинган усуллар ёрдамида фенологик кузатув ишлари, лаборатория таҳлиллари ўтказилди ҳамда доминантлик коэффициенти S.Wright формуласи бўйича аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ғўзанинг жаҳон генофондидаги *G.barbadense* L. турига мансуб истиқболли намуналарни ҳар томонлама ўрганиш асосида тола сифати ва бошқа қимматли-хўжалик белгилари мажмуи бўйича юқори кўрсаткичли шакллар ажратилган, улар иштирокида янги генетик таркибли рекомбинант тур ичи F_1 - F_2 ўсимликлари олинган ҳамда белгиларнинг шаклланиши ирсийланиш ва ўзгарувчанлик қонуниятлари орқали таҳлил қилинган;

G.barbadense L. турига мансуб коллекция намуналари иштирокида олинган тур ичи дурагайлар ичидан тола узунлиги, тола чиқими, кўсак вазни бўйича ўзгарувчанлик кўлами кенг бўлган трансгрессив ўсимликлар ажратилган, оилалар танлаб олинган, наслдан-наслга берилиш коэффициенти асосида танлов йўналиши белгиланган ва самарадорлиги илмий асосланган;

олдинги тадқиқотларда *G.barbadense* L. турига мансуб навлар ва интрогрессив тизмалар иштирокида олинган дурагайларнинг F_3 - F_4 авлодлари ўрганилиб, уларда селекцион-генетик баҳолаш асосида белгиларнинг шаклланишида танловларнинг аҳамияти асосланган;

юқори потенциалли оилаларни ажратиш натижасида асосий хўжалик белгилари кўрсаткичлари барқарор бўлган ТТБ-1 ва ТТБ-2 тизмалари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ғўзанинг жаҳон коллекциясидаги *G.barbadense* L. турига мансуб бир қатор юқори кўрсаткичли шаклларни ҳар томонлама ўрганиш натижасида ажратилган нав намуналари, тур ичи F_1 , F_2 ўсимликлари ва улардан танлаб олинган трансгрессив ўсимликлар, интрогрессив тизмалар иштирокидаги дурагайлар асосида яратилган тизмалар ингичка толали навлар селекциясида бошланғич манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги исботланган;

F_2 авлодда ажралиб чиққан трансгрессив ўсимликлар асосида тола узунлиги 38,0-43,2 мм, тола чиқими 35,0-38,0%, кўсак вазни 3,3-3,8 г бўлган якка танловлар олинган ва уларда наслдан-наслга берилиш коэффициенти асосида танлов йўналиши ва самарадорлиги асосланган;

ингичка толали коллекция намуналари синовдан ўтказилиши натижасида тезпишарлиги 110,0-112,0 кун, тола чиқими 36,0-38,1%, тола узунлиги 38,5-42,2 мм бўлган намуналар ажратилган;

тезпишарлиги 107,3-115,9 кун, тола сифати Ia, Ib типга мансуб бўлган ТТБ-1 ҳамда ТТБ-2 интрогрессив тизмалари яратилган ва рақобат нав синовига топширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, услубий жиҳатдан тўғрилиги ва ҳар йили апробация комиссияси томонидан ижобий баҳолангани, олинган маълумотларни қайта ишлашда статистиканинг турли услубларидан фойдаланилганлиги ва олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан мос келиши, тўпланган хулоса ва қонуниятларнинг асосланганлиги ҳамда натижаларнинг таққосланганлиги, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан

таққослангани, олинган қонуният ва хулосаларнинг жорий қилинганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти генетика ва селекция усулларида кенг фойдаланган ҳолда таҳлиллар ўтказиш асосида тола сифати юқори, маҳсулдор, тезпишар навлар яратишда истиқболли бўлган *G.barbadense* L. турига мансуб намуналарнинг ажратиб олинганлиги, улар асосида дурагайлаш натижасида янги генетик асосдаги манбаларнинг синтез қилиниши, уларда белгиларнинг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик қонуниятларини таҳлил қилиш, наслдан-наслга берилиш коэффициентини ўрганиш натижасида танлов йўналиши ҳамда самарадорлиги асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ажратиб олинган намуналар ва ишлаб чиқаришда мавжуд навлар иштирокида чатиштиришлар ўтказилиб янги генетик асосдаги тур ичи дурагайлар олинганлиги, интрогрессив дурагайларнинг хусусиятлари баҳоланиб улар асосида юқори кўрсаткичли ингичка толали оилалар ва тизмалар яратилганлиги, тавсия қилинган манбаларнинг селекцион-генетик аҳамияти кўрсатиб берилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўза генофонди асосида *G.barbadense* L. турига мансуб истиқболли бошланғич манбалар яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

тезпишарлиги 110,0-112,0 кун, тола чиқими 36,0-38,1%, тола узунлиги 38,5-42,2 мм бўлган ингичка толали коллекция намуналари қимматли-хўжалик белгиларининг намоён бўлиши, барқарорлиги бўйича синовдан ўтказилиши натижасида уларда белгиларнинг кам ўзгарувчан эканлиги тасдиқланиб бошланғич манба сифатида қўллаш учун тавсия қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 28.12.2020 йилдаги 02/020-4662-сонли маълумотномаси). Натижада яратилган дурагайлар ҳосилдорлиги 3,0-4,2 ц/га (самарадорлик 10,0-12,0%), тола сифати бўйича 12,0-15,0 % юқори самарадорликка эришилган;

барқарор кўрсаткичли бошланғич ашёлар иштирокида F_1 - F_2 ўсимликлари синтез қилинган ва уларда ижобий белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги селекцион-генетик асосланган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 28.12.2020 йилдаги 02/020-4662-сонли маълумотномаси). Натижада F_2 ўсимликлари орасидан тола узунлиги 38,0-43,2 мм, тола чиқими 35,0-38,0%, кўсак вази 3,3-3,8 г бўлган ўсимликлар танлаб олинган;

интрогрессив шакллар ҳамда Pima S4 ва Термиз-31 нав намуналари иштирокида олинган, тола сифати Ia, Ib типларга мансуб бўлган ТТБ-1, ТТБ-2 тизмалари синовдан ўтказилганда иқтисодий самарадорликнинг ортиши қайд қилиниб, ҳосилдорлик бўйича 4,0-4,5 ц/га, тола сифати бўйича 14,0-15,5% юқори самарадорликка эришилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 16.03.2021 йилдаги 4/1255-791-сонли маълумотномаси). Натижада бу тизмаларнинг уруғлари “Ғўза коллекцияси ноёб объекти” га

тақдим этилган. Улар ғўза коллекциясини бойитиш билан бирга “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишидаги фундаментал ва амалий лойиҳаларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 5 таси республика журналларида ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ғўзада қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлигини ўрганиш ва бошланғич ашё яратиш бўйича адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида дунё олимлари томонидан олиб борилган ингичка толали ғўза селекциясида амалга оширилган тадқиқотлар, дурагайларни тадқиқ қилиш бўйича қатор илмий манбалар таҳлил қилинган.

Ўсимлик навларининг турли иқлим шароитларига мослашиши натижасида келиб чиқадиган ўзгарувчанлик даражаси, унинг таъсирида фенотипик гуруҳларнинг ҳосил бўлиши ва унинг наводорликни ўзгаришига таъсири борасидаги илмий ишлар ўрганилган.

Адабиётлар таҳлилидан кўриниб турибдики, ғўза нав ва тизмаларида хўжалик белгиларининг ирсийланишини ўрганиш борасида кўплаб изланишлар олиб борилган.

Бироқ бу тадқиқотларда ингичка толали навлар селекцияси учун бошланғич ашёлар танлаш, ажратиш вауларнинг белгиларини селекцион-генетик таҳлил қилиш борасида изланишлар олиб борилмаган.

Диссертациянинг «**Тажриба ўтказилган жой шароити, тадқиқот манбаи ва услуги**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган хуудларнинг шароитлари, тадқиқот манбалари ва услублари ёритилган. Тадқиқот манбалари

сифатида фойдаланилган нав популяцияларининг келиб чиқиши, морфологик кўрсаткичлари, таҳлилларда фойдаланилган статистик услублар баён қилинган.

Диссертациянинг «*G. barbadense* L. турига мансуб коллекция намуналари ва уларнинг маҳаллий навлар иштирокида олинган F₁ ўсимликларида морфобиологик ва хўжалик белгиларининг хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида ғўза коллекциясидаги ингичка толали нав намуналарини ўрганиб олинган натижалар таҳлили ва муҳокамаси келтирилган.

Бобнинг биринчи параграфида *G. barbadense* L. турига мансуб коллекция намуналарида морфобиологик белгиларнинг намоён бўлиши, жумладан, ўсимлик бўйи, биринчи ҳосил шохининг жойлашиши, тезпишарликнинг намоён бўлиши ўрганилган.

Биринчи йилги тадқиқотларимизда ғўза коллекциядан олинган 60 та намунадан бир қанчаси белгилар мажмуи бўйича ажратилди. Ушбу намуналарнинг дала шароитида олиб борилган кузатувлар натижасида олинган тезпишарлик элементлари тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Тажрибаларга жалб қилинган 60 та намуна ичидан ажратиб олинган 23 та намунада андоза навга нисбатан биологик эртапишар навлар аниқланди. Андоза нав 118,8 кунда биологик пишиш даражасида бўлган бўлса, Pima S3 111,6 кунда, MT-49 112 кунда, Pima S4 114,2 кунда биологик пишиш даражасига келди. Pima S3 намунаси андоза навга нисбатан -5 кунга, MT-196 намунаси -1,4 кунга, ML-117 намунаси -0,8 кунга, MT-49 намунаси -0,2 кунга олдинроқ биологик пишишга киришган. Бу кўрсаткичлар ингичка толаи навлардан эрта биологик пишиш даражасига келувчи намуналарни ажратишга имкон беради.

Бобнинг кейинги параграфида *G. barbadense* L. турига мансуб коллекция намуналарида қимматли хўжалик белгиларининг намоён бўлиши ўрганилган. Маълумки, ғўза селекцияси асосан бир генотипда (навда) микдорий белгиларнинг ижобий кўрсаткичларини мужассамлаштиришга асосланади. Битта кўсақдаги пахтанинг вазни ва кўсақлар сони ижобий бўлганда ўз-ўзидан бир ўсимлик маҳсулдорлигининг ҳам ижобийлигига эришилади.

Иккинчи йилги маълумотлардан кўришиб турибдики, бир ўсимликдаги етук кўсақлар сони андоза Сурхон-14 навига (18,6 та) нисбатан фарқланувчи кўрсаткичларда бўлган. Унга асосан андоза навга нисбатан Pima S3 намунаси 4,3 та, MT-196 намунаси 2,4 та, MT-49 намунаси 1,8 та кўп етук кўсақларга эга эканлиги аниқланди. Андоза навга нисбатан энг паст кўрсаткични Sakelyaridis намунаси 12,1 дона етук кўсақ эканлиги билан ажралиб турди.

Тадқиқотларимизда ўрганилган намуналарнинг битта кўсақдаги пахта вазни андоза намунага (3,2 г) нисбатан турлича кўрсаткичларда бўлди.

Андоза намунага нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлган намуналар ажратиб олинди. Бу намуналардан андоза намунага нисбатан Giza 85 да битта кўсақдаги пахта вазни 1,3 г га, CNW 487-65 ва Pima намуналарида 0,7 г га, Термиз-202 намунада 0,4 г га, Иолатань-14 навида 0,3 г га ҳамда Karnak 1038 намунасида 0,2 г га юқори эканлиги аниқланди.

Коллекция намуналари, ота-она шакллари ва F₁ ўсимликларда униб чиққандан биринчи кўсак очилишгача бўлган давр, кун (2019 йил)

№	Каталог рақами	Коллекция намуналари ва дурагайлар	M±m	σ	V%	hp	Андозадан фарқи
		Коллекция намуналари ва ота-она шакллари					
1.	01338	Sakelyaridis	114,1±1,9	5,9	5,2		5,9
2.	07397	910 I	111,0±0,6	1,0	0,9		2,8
3.	08004	Ash 36	120,9±0,9	3,2	2,7		12,7
4.	08368	Giza 45	109,9±1,9	6,8	6,2		1,7
5.	010268	Sort 396	115,1±2,1	7,0	6,1		6,9
6.	010743	ML-117	107,4±0,9	2,2	2,0		-0,8
7.	011811	Pima S3	103,2±0,4	1,3	1,3		-5,0
8.	012241	Сурхон-101	109,2±1,6	3,6	3,3		1,0
9.	012315	№138/10	110,2±2,3	5,2	4,7		2,0
10.	012331	MT-49	108,0±1,8	4,5	4,1		-0,2
11.	012334	MT-196	106,8±0,6	2,2	2,1		-1,4
12.	07906	Карнак 1038	119,8±1,1	5,7	4,8	-	11,6
13.	012240	Сурхон-102	113,5±1,5	6,4	5,6	-	5,3
14.	07913	CNW 487-65	122,2±1,1	3,7	3,0	-	14,0
15.	010874	Термиз-31	118,7±1,6	6,7	5,6	-	10,5
16.	011936	Pima S4	108,5±1,0	4,1	3,8	-	0,3
17.	012381	Термиз-202	115,2±1,9	7,5	6,5	-	7,0
18.	012236	Сурхон-9	112,8±1,8	7,4	6,6	-	4,6
19.	012380	Иолатань-14	125,3±2,1	8,0	6,4	-	17,1
20.	010880	ML-120	118,5±1,7	8,1	6,8	-	10,3
21.	012252	Сурхон-14 (St)	108,2±1,4	3,9	3,6	-	-
F₁ ўсимликлар							
22.	Карнак 1038 x Сурхон 102		116,0±1,1	6,8	5,9	0,01	
23.	Сурхон-102 x Карнак 1038		116,7±1,7	6,5	5,6	0,03	
24.	CNW 487-65 x Термиз-31		118,4±1,3	7,6	6,4	-1,1	
25.	Термиз-31x CNW 487-65		115,6±1,3	6,4	5,5	-2,8	
26.	Pima S4 x Термиз-202		109,3±0,7	4,2	3,9	-0,8	
27.	Термиз-202x Pima S4		109,9±0,7	4,1	3,7	-0,6	
28.	Сурхон-9 x Термиз-202		108,2±0,7	3,5	3,2	-4,8	
29.	Термиз-202 x Сурхон-9		112,4±1,0	6,5	5,8	-1,3	
30.	Иолатань-14 x ML-120		118,4±1,5	8,2	6,9	-1,0	
31.	ML-120 x Иолатань-14		119,6±2,1	9,9	8,3	-0,7	


Битта ўсимликдаги маҳсулдорлик генетик жиҳатдан ирсийланишига қарамасдан унинг кўп ёки кам миқдорда бўлиши ташқи муҳит омиллари билан

ҳам боғлиқ. Тажрибаларимизда натижалар бўйича кўрсаткичлар андоза навга нисбатан турлича бўлди.

Андоза Сурхон-14 (136,3 г/ўсим.) навига нисбатан Иолатань-14 да бир ўсимлик маҳсулдорлиги 17,0 г га, Pima да 4,9 г га юқори бўлди. Шунингдек, коллекция намуналаридан 910 I (126,4 г/ўсим.), Sort 396 (112.9 г/ўсим.), Сурхон-9 (107.3г/ўсим.), МТ-49 (110.3 г/ўсим.), Giza 85 (112.5 г/ўсим.) кабиларда ҳам бир ўсимлик маҳсулдорлиги юқори кўрсаткичларни берган.

Бир ўсимлик маҳсулдорлиги юқори бўлган ушбу намуналарда уларнинг ҳўжалик тезпишарлигидан келиб чиққан ҳолда, гектардан олинадиган ҳосилдорлик кўрсаткичи ҳам юқори бўлади.

Иккинчи йилги тажрибаларимизда бир ўсимлик маҳсулдорлиги мос равишда 35,1-73,3 г/ўсим. кўрсаткичлари орасида бўлганлиги қайд этилди (1-расм).



1-расм. Коллекция намуналарида ўсимлик маҳсулдорлигининг шаклланиши (2019 йил)

Андоза Сурхон-14 навида маҳсулдорлик 61,4 г/ўсим. га тенг бўлди. Pima S3 намунасида ўсимлик маҳсулдорлиги андоза навга нисбатан 11,9 г/ўсим. га, МТ-196 да 5,8г/ўсим. га, МТ-49 да 3,9 г/ўсим. га юқори бўлди. Қолган барча намуналарда андоза навга нисбатан паст кўрсаткич аниқланди.

Тола чиқими уруғдаги толаларнинг микдори ва вазнига боғлиқ бўлади. Андоза Сурхон-14 намунада тола чиқими 37,0% ни ташкил этган бўлса, қолган барча намуналаримизда андоза намунага нисбатан паст кўрсаткичлар қайд этилди. Ўрганилган нав намуналардан Сурхон-101 нави 35,7%, №138/10

намунаси 33,9%, МТ-49 намунаси 34,7%, МТ-196 намунаси 34,6%, Термиз-202 нави 36,5%, Giza 85 нави 35,5%, Термиз-31 нави 36,0% лик натижаларни кўрсатди. Бу намуналардан бошқа қимматли белгиларининг ижобий кўрсаткичлари мужассамлашган ҳолда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкин.

Иккинчи йилги кузатувларимизда коллекция намуналарида тола чиқими 29,1-36,4 кўрсаткичлари орасида эканлиги қайд этилди.

Пахта толасининг муҳим кўрсаткичларидан бири бу унинг узунлигидир. Тадқиқотларимиз давомида андоза Сурхон-14 навига нисбатан тола кўрсаткичи узун бўлган намуналар ажратилди.

Дала тажрибаларида олинган маълумотларга асосан андоза сифатида олинган Сурхон-14 навига нисбатан тола кўрсаткичи узун бўлган намуналар ажратилди. Булар CNW 487-65 намунаси 0,2 мм га (40,4 мм), Ash 36 намунаси 3,2 мм га (43,4 мм), Pima S4 намунаси 1,8 мм га (42,0 мм), Иолатань-14 нави 1,2 мм га (41,4 мм) андоза навадан юқори кўрсаткичга эга эканлиги қайд этилди.

Ота-она шаклларида бош поя баландлиги 88,0-122,3 см гача, андоза навада 97,6 см бўлганлиги қайд этилди. F₁ дурагай комбинацияларида ҳам бош поя баландлиги турли кўрсаткичларда намоён бўлиб, ота-она шаклларга нисбатан доминантлик даражаси чала доминантлик, гетерозис даражаларида эканлиги аниқланди.

F₁ дурагай ўсимликларда биринчи кўсакнинг очилиши 108,2-119,6 кун оралиғида бўлди. Бу дурагай ўсимликлар ичида F₁ (Сурхон-9 х Термиз-202) дурагайи 108,2 кунда бошқа дурагай ўсимликларга нисбатан эрта биологик пишиш даражасига келган бўлса, ота-она шаклларида фарқланиш даражаси - 4,8 ни ташкил этди.

Бу кўрсаткич гетерозис доминантликни намоён этганлигини кўрсатади. F₁ (Термиз-202 х Сурхон-9) дурагай комбинациясида эса биринчи кўсак 112,4 кунда очилди ва доминантлик даражаси -1,3 ни ташкил этди.

Pima S4 х Термиз-202 комбинацияли F₁ дурагай ўсимликларда биринчи кўсак 109,3 кунда, Термиз-202 х Pima S4 комбинацияли F₁ дурагай ўсимликларда биринчи кўсак 109,9 кунда очилди. Ота-она шаклларга нисбатан фарқланиши F₁ (Pima S4 х Термиз-202) комбинатцисидида -0,8 ни, F₁ (Термиз-202 х Pima S4) комбинацияли дурагай ўсимликларида -0,6 ни кўрсатди, бу кўрсаткичлардан чала доминантлик шаклланганлигини кўриш мумкин.

Униб чиққандан биринчи кўсакнинг очилишигача бўлган давр F₁ (Карнак 1038 х Сурхон 102) комбинацияли дурагайда 116,0 кунни, F₁ (Сурхон-102 х Карнак 1038) комбинацияли дурагайда 116,7 кунни ташкил этиб, ота-онага нисбатан фарқланиши мос равишда F₁ (Карнак 1038 х Сурхон 102) комбинацияли дурагай ўсимликларда -0,2, F₁ (Сурхон-102 х Карнак 1038) комбинацияли дурагай ўсимликларда 0,0 ни ташкил этди.

F₁ дурагайларда битта ўсимлик маҳсулдорлиги 55,5-84,6 г/ўсимлик кўрсаткичлари орасида бўлди. Сурхон-102 х Карнак 1038 дурагай комбинациясида битта ўсимлик маҳсулдорлиги бошқа дурагай комбинацияларга нисбатан (84,6 г/ўсим.) юқори кўрсаткичга эга эканлиги қайд

этилди. Битта ўсимлик маҳсулдорлиги бошқа дурагайларга нисбатан Иолатань-14 х ML-120 дурагай комбинациясида паст кўрсаткич (55,5 г/ўсим.) да эканлиги аниқланди.

Тадқиқотларимиз давомида F₁ дурагайларда бир ўсимлик маҳсулдорлиги она-ота шаклларга нисбатан энг баланд кўрсаткични Термиз-31 х CNW 487-65 дурагай комбинациясида қайд этилган бўлса, она-ота шаклларига нисбатан паст кўрсаткич Иолатань-14 х ML-120 дурагай комбинациясида аниқланди.

Ўрганилган нав намуналар ва F₁ дурагайлар маҳсулдорликни ташкил қилувчи белгилар бўйича хилма-хилликка эга бўлди.

Бу хилма-хиллик бир ўсимлик маҳсулдорлигининг шаклланишида турлича аҳамият касб қилади.

Тадқиқотларимизнинг кейинги йилида битта ўсимлик маҳсулдорлиги мос равишда ота-она шаклларида 65,7-122,1 г/ўсимликка тенг бўлганлиги аниқланди.

F₁ дурагайларида тола чиқими 31,4-35,2% кўрсаткичлари орасида бўлганлиги аниқланди. Карнак 1038 х Сурхон 102 дурагай комбинациясида тола чиқими 32,6% ни, ўзгарувчанлик амплитудаси 7,8% ни, ота-онага нисбатан доминантлик даражаси -1,7 га тенг эканлиги қайд этилди.

Сурхон-102 х Карнак 1038 дурагай комбинациясида бу белги 33,1% га, ўзгарувчанлик амплитудаси 5,7% га, ота-онадан фарқланиш даражаси эса 1,7 га тенглиги аниқланди.

CNW 487-65 х Термиз-31, Термиз-31 х CNW 487-65, Pima S4 х Термиз-202, Термиз-202 х Сурхон-9 дурагай комбинацияларида тола чиқими мос равишда 34,9%, 34,2%, 34,2%, 34,6%, ота-онадан фарқланиш даражаси эса 0,4, -0,4, -0,2, -0,2 га тенг эканлиги қайд этилган бўлса, Термиз-202 х Pima S4 ҳамда Сурхон-9 х Термиз-202 дурагай комбинацияларида бу белги бўйича 35,2% ва 35,3% кўрсаткичлари аниқланди.

Ота-она шаклларида тола узунлиги мос равишда 37,4-41,1 мм кўрсаткичлари оралиғида бўлди. Андоза навда бу белги бўйича натижа 39,7 мм га эга эканлиги қайд этилди. Тола узунлиги бўйича ота-она шакллари андоза навга нисбатан энг баланд кўрсаткич Иолатань-14 навида (41,1 мм) эканлиги қайд этилди. Андоза навга нисбатан паст кўрсаткич Термиз-202 навида (37,4 мм) аниқланди.

Шу ўринда Карнак 1038 намунасида тола узунлиги 40,2 мм, Сурхон-102 намунасида 40,5 мм, Термиз-31 намунасида 40,7 мм, Pima S4 намунасида 40,4 мм, Сурхон-9 намунасида 40,8 мм эканлиги қайд этилди. Дурагай комбинацияларда эса тола узунлиги мос равишда 38,9-41,0 мм кўрсаткичлари оралиғида эканлиги аниқланди.

Белгининг ўзгарувчанлик даражаси комбинациялар бўйича 2,6-4,7% ни ташкил қилди. Тола узунлиги бошқа дурагайларга нисбатан энг баланд бўлган комбинацияда 41,0 мм (Сурхон-102 х Карнак 1038) ва тола узунлиги бошқа дурагайларга нисбатан паст бўлган комбинацияда 38,9 мм (Термиз-31 х CNW 487-65) эканлиги қайд этилди.

F₁ дурагайлардан Сурхон-102 х Карнак 1038 комбинациясида тола узунлиги 41,0 мм ни, ота-онадан фарқланиш даражаси 4,3 ни, Карнак 1038 х Сурхон 102 комбинациясида 40,9 мм ни, ота-онадан фарқланиш даражаси эса 3,7 ни ташкил этиб, бу комбинацияларда ота-онага нисбатан ўта доминантлик мавжуд эканлиги қайд этилди.

Сурхон-9 х Термиз-202 дурагай комбинациясида тола узунлиги 40,8 мм ва белгининг ота-онага нисбатан фарқланиш даражаси 1,0 эканлиги қайд этилди. Термиз-202 х Сурхон-9 дурагай комбинациясида тола узунлиги 39,4 мм, Иолатань-14 х ML-120 дурагай комбинациясида 40,6 мм, ML-120 х Иолатань-14 дурагай комбинациясида 40,9 мм, ўзгарувчанлик даражаси 3,0%, 3,3%, 3,4%, белгининг ота-онадан фарқланиш даражаси 0,2, 0,5, 0,8 эканлиги аниқланди.

F₁ дурагайлардан Термиз-31 х CNW 487-65 комбинациясида тола узунлиги 38,9 мм ни, белгининг ота-онадан фарқланиш даражаси -2,6 ни, CNW 487-65 х Термиз-31 комбинациясида тола узунлиги 39,3 мм ни, белгининг ота-онадан фарқланиш даражаси -1,8 ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар ота-она шаклларига нисбатан салбий эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг “Ота-она шакллар ва F₂ ўсимликларида морфобиологик ва хўжалик белгиларининг намоён бўлиши” деб номланган 4-бобида *G. barbadense* L. турига мансуб коллекция намуналарини районлашган навлар билан дурагайлаб олинган ўсимликларда морфобиологик белгиларнинг намоён бўлиши таҳлил қилинган.

F₂ дурагайларда бош поя баландлиги энг баланд CNW 487-65 х Термиз-31 комбинациясида кузатилди (95,1 см) ва паст кўрсаткич Иолатань-14 х ML-120 комбинациясида қайд этилди (73,0 см).

Тезпишарлик элементларининг шоналашдан то гуллашгача бўлган даврининг узунлиги паратипик ўзгарувчанликка кам учрайди, гуллашдан то кўсакнинг очилишигача бўлган даврнинг узунлиги эса намлик, температура, ёруғлик ва бошқа факторларга қараб кучли ўзгаришга учрайди.

Тезпишарликни ташкил қилувчи элементларнинг асосийси биринчи кўсакнинг очилиш даври ҳисобланади.

Тадқиқотларимизда ўрганилган намуналарда униб чиққандан биринчи кўсакнинг очилишигача бўлган давр мос равишда ота-она шаклларда 108,0-125,3 кун оралиғида, ўзгарувчанлик амплитудаси эса 3,0% дан 6,8% оралиғида бўлди. Бу шакллар орасида бошқа намуналарга нисбатан эртароқ биологик пишиш даражасига Pima S4 намунаси (108,5 кун) келганлиги қайд этилган бўлса, унинг ўзгарувчанлик амплитудаси эса 3,8% ни ташкил этди.

Бошқа ота-она шаклларга нисбатан кечпишар намуналар аниқланди. Улар CNW 487-65 намунаси 122,2 кунда, Иолатань-14 нави эса 125,3 кунда биологик пишиш даражасига келди. Буларнинг ўзгарувчанлик амплитудаси 3,0% ва 6,4% ни ташкил қилди.

CNW 487-65 х Термиз-31 комбинацияли дурагай ўсимликларда биологик пишиш даражасидаги генетик имконияти 118,4 кунда, Термиз-31 х CNW 487-65 дурагайда 115,6 кунда, Иолатань-14 х ML-120 комбинацияда 118,4 кунда, ML-

120 х Иолатань-14 комбинацияли дурагай ўсимликларида эса 119,6 кунда намоён бўлди. Ота-онадан фарқланиш даражаси мос равишда -0,7-2,8 оралиғида бўлди.

Тадқиқотларимиз давомида ўрганилган андоза сифатида олинган Сурхон-14 навида униб чиққандан биринчи кўсак очилишигача бўлган давр 114,2 кун эканлиги қайд этилди.

Ота-она шаклларида бу белги белги мос равишда 107,6-117,0 кун, ўзгарувчанлик амплитудаси 2,7-8,0% оралиғида бўлди. Ота-она шакллари ичида бошқа шаклларга нисбатан Pima S4 намунаси эртароқ биологик пишиш даражасига келди (107,6 кун). Карнак 1038 намунаси эса биологик пишиш даражасига кечроқ киришганлиги аниқланди (115,5 кун).

Шунингдек, униб чиққандан биринчи кўсак очилишигача бўлган давр ML-120 намунасида 112,5 кунни, Сурхон-102 навида 112,9 кунни, Термиз-31 навида 113,6 кунни, Иолатань-14 навида 113,9 кунни, Термиз-202 навида 114,6 кунни ва Сурхон-9 навида 114,9 кунни ташкил қилди.

Тадқиқотларимизда ўрганилган ота-она шаклларида битта ўсимлик маҳсулдорлиги 55,8-79,2 г/ўсимлик кўрсаткичлари орасида бўлганлиги қайд этилди.

Андоза навда бу кўрсаткич 61,4 г/ўсим. га тенг бўлди. Бу шакллар ичида андоза навга нисбатан энг баланд кўрсаткични Сурхон-102 (79,2 г/ўсим.) ва Сурхон-9 (78,2 г/ўсим.) намуналари ташкил этди.

